



O'ZBEKISTON O'VOZI

• 2015-yil, 14-iyul. Seshanba • 81 (31.984)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

■ ЎЗХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2015»

янги иқтидорларни, бўлғуси сиёсатчи, депутат ва етакчиларни кашф этмоқда

ЎЗХДП тизимида ўтказилаётган «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари якунига етди. 14 нафар ёш сиёсатчи республика босқичида беллашиш имконини қўлга киритди. Ватан равнақиға ҳисса қўшишни ўз бурчи деб биладиган ғолиб ёшлар шу кунларда танловнинг якуний — республика босқичига қизгин тайёргарлик кўришмоқда.



Хўш, «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари қандай ўтди? Ёшлар ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудларни ривожлантириш, муайян ижтимоий масалани ҳал этиш учун қандай таклифлар, ташаббуслар билан чиқмоқда? Кўрик-танловнинг дастлабки ақунлари ҳақида иштирокчилар, ҳакамлар ҳайъати қандай фикрда?

— Бу йил кўрик-танловнинг бошланғич ташкилот, туман ва шаҳар ҳамда вилоят босқичларида 18 000 нафар йигит-қиз қатнашди, — дейди ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти маркази раҳбари Шохруҳ Абдурахмонов. — Танлов иштирокчилари уч шарт бўйича беллашишди. Хусусан, ёш сиёсатчилар жисмоний имконияти чекланган ёшларга сифатли таълимни ташкил

этиш, кўзи оқиз инсонлар учун овозли дарслик яратиш, туризм, ёшларга оид интернет сайтларини яратиш, атроф-муҳитга жиддий зарар етказадиган турли пластмасса буюмлар ва бошқа чиқиндиларни қайта ишлаш, ҳўжаликларда кенг фойдаланиш учун хилма-хил иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларида ўз лойиҳаларини тақдим этишди.

Танлов шартларининг йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани ёшларни ўқиб-ўрганиш ва сиёсий жараёнлардан хабардорлигини оширишга ундамоқда, иштирокчиларнинг ўз фикрига эга бўлиш, сиёсий позициясини ҳимоя қила олиш, ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.


► Давоми 2-бетда.

Эътироф

Ўзбекистонда шаклланган сармоявий муҳит, шунингдек, унинг бой хомашё базаси ва малакали ишчи ресурсларига эга эканлиги республикага чет эл компанияларини жалб этишда муҳим ўрин тутди.

Т.Бучек,
Словакия савдо ва сармояларни ривожлантириш агентлигининг халқаро ишлар бўйича директори.

Самарқанд — боқий қўшиқ



Башариат аҳли Фарбда Римни, Шарқда Самарқандни танийди. Сен чиндан-да ер юзининг сайқалисан. Минорларингга боқиб, кўнглимда минорлар жило сочади, деворларингга силаб, илоҳий қувват оламан. 1997 йилдан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда афсонавий Регистон бағрида ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунё халқларининг байрамига айланиб кетди.

ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЧУҚУР ЎРГАНИЛИШИ КЕРАК

■ ЎЗХДП ҳудудий кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари электрат манфаатларини ҳимоя қилиш, жойлардаги турли ижтимоий масалаларни ўрганиб, ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис унга мурожаат қилувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Сурхондарё вилоятида 15 та Жамоатчилик қабулхонаси ишлаб турибди. ЎЗХДПдан сайланган депутатлар мурожаатларда кўтарилаётган масалаларни ҳал қилишда камарбаста бўлишяпти. Бу борада кўплаб ютуқларга эришилди, аммо ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хўш, уларни бартараф қилиш учун бугун қандай йўл тутиш керак, нималарга эътибор қаратиш лозим?

► Давоми 2-бетда.

САЙЛОВЧИ САВОЛ БЕРАДИ

Гулбаҳор ДАВЛАТОВА,
Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидан:

Мен сиёсий партияларнинг фаолиятини қизиқиш билан кузатиб бораёман. Улар томонидан амалга оширилаётган ишлар, партияларнинг мақсад ва юзларини ўрганишга, танишиб боришга ҳаракат қиламан. Иккита сиёсий партияга хайрихоҳлигим бор. Уларнинг иккаласига ҳам аъзо бўлишим мумкинми? Кимлар сиёсий партияга аъзо бўлолмайди?



Зулайхо АКРАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Қонунчилигимизга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин. Партияга мансуб фуқаронинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ёки унга имтиёзлар, устуниқлар бериш мумкин эмас. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда белгиланишича, судьялар, прокурорлар, прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ва ҳарбий хизматчилар партияга аъзо бўла олмайдилар. Шунингдек, ҳорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам бундай ҳуқуққа эга эмас.

Муҳаммадсодиқ САЙФУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридан:

Биламизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида барча партияларнинг фракциялари фаолият юритади. Фракциялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот берсангиз...

— «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасида фракциялар фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар белгиланган. Қонунга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Фракциялар фракциянинг раҳбарига берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан рўйхатга олинади. Шунингдек, сиёсий партия фракцияси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидеги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига қафолатланган сўз берилиши белгиланган.

Шу билан бирга, фракция аъзолари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Респуб-

Шухрат МАМАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:



ликаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиши мумкин. Қонунчилик палатасининг Спикер ўринбосарлигига кўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, палатанинг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш, Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш ҳуқуқи ҳам белгиланган.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

ХУШХАБАРЛАР

Дмитрий ШОКИН — БУТУНЖАҲОН УНИВЕРСИАДАСИ ҒОЛИБИ!

Шу кунларда Жанубий Кореянинг Кванчжу шаҳрида XXVIII Бутунжаҳон ёзги универсиадада қизгин давом этмоқда.

Мусобақа дастуридан жой олган таэквондо (WTF) баҳслари мамлакатимиз спортчилари учун муваффақиятли келди. Унда +85 кг вазн тоифасида жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин олтин медаль билан тақдирланиб, мутахассису мухлисларимиз ишончини оқлади.

Мохир таэквондочимиз нимчорак финалда Эстебан Кабо (Испания)ни 12:0, чорак финалда Каан Қилич (Туркия)ни 14:9, ярим фи-

налда эса эронлик Мехран Аскарини 9:7 ҳисобида мағлуб этди. Дмитрий ҳал қилувчи финал баҳсида таэквондо ватани вакили Ён Кун Парк (Жанубий Корея)ни (2:1) доғда қолдириб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Мазкур ғалабадан сўнг, ҳамюртларимиз 146 давлат спортчилари ўртасида ҳозирча 37-ўринни эгаллаб турибди.



ЁШ КУРАШЧИЛАРИМИЗ ЮТУГИ

Мьянмада эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати ниятсизга етди. Унда ёш полвонларимиз битта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалига сазовор бўлди.

Нуфузли мусобақада юнон-рум курашчимиз Жавоҳир Мираҳмедов (50 кг) шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Шунингдек, Арам Варданян (66 кг) юнон-рум, Холбозор Норбоев (63 кг) эркин кураш бўйича кумуш медаль билан тақдирланди. Бронза медали эса юнон-рум курашчиси Камариддин Зайниддинов (60 кг) ҳамда эркин кураш бўйича Хожияқбар Ўткировга (50 кг) насиб этди.

Эркин ХОЛБОЗО

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК
ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ —
ДОЛЗАРФ МАСАЛА

ЎЗХДП фракцияси бу борадаги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисобламоқда



■ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎЗХДП депутатлари томонидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига жўнатилган депутатлик сўровларининг 6 ойлик натижалари таҳлили нимани кўрсатмоқда?

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2015»

янги иқтидорларни, бўлғуси сиёсатчи, депутат ва етакчиларни кашф этмоқда

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши бўлими мудири Санобар Бердиеваннинг қайд этишича, танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида ёшлар уч шарт бўйича ўз иқтидор ва салоҳиятларини намойиш этишди.

— Лойиҳа тақдими шартли кўпчиликлари манзур бўлди, — дея сўзини давом эттирди у. — Масалан, янгиариклик Сарвар Амановнинг ноанъанавий тарзда брусчатка ишлаб чиқариш борасидаги тақдими алоҳида эътиборга сазовор бўлди. Сабаби ёш сиёсатчи ўзи яратган ва ҳакамлар ҳайъатига тақдим қилган брусчаткалардан намуналар тунда ёдга таратиши, бу эса фуқаролар учун, шунингдек, корхона, ташкилот, турар-жойлар йўлакларини, болалар майдончаларини ёритишда қўлайлиги билан фарқланади. Мазкур лойиҳани кўпчилик қўллаб-қувватлади ва уни амалга ошириш бўйича таклифларини берди.

Урганч шаҳрида икки кун давомида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг вилоят босқичи ёшларимизнинг сиёсий билим доиралари кенгайиб бораётгани, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Устав ва Дастурларининг мазмун-моҳиятини тереан англайдиган, ташаббускор, иқтидорли ва интилувчан йигит-қизлар кўпчилигини ташкил этишини кўрсатди. Шуларга таяниб, кўрик-танловдан кўзланган мақсадимизга эришдик, деб айта оламиз.

Навоий вилоятида ҳам ЎзХДПнинг ёш аъзолари кўрик-танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида фаол иштирок этишди, улардан 9 нафари вилоят босқичидаги қизгин беллашувда қатнашди. — Бу йил вилоят миқёсида танловда 1200 нафар ёш иштирок этиш истагини билдирди, — дейди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Навоий вилоят бўлими етакчиси Бахриддин Тошмаматов. — Уларнинг 450 нафари бошланғич партия ташкилотлари, 9 нафари эса туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлди. Биринчи шартда қатнашчилар ўз ҳудудидида бир-бир ижтимоий масалани ҳал этишга қаратилган янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган лойиҳаларини тақдим этишди. Иккинчи шартда Президент асарлари, Конституция, сиёсий партиялар, парламент фаолияти ва



сайлов жараёнлари, ёшларга оид қонунлар, Оила, Меҳнат кодекслари бўйича саволларга жавоб беришди. Учинчи шартда эса нотиқлик маҳорати бўйича синов бўлди.

Газетамизнинг Навоий вилоят бўлими мухбири Илҳом Сатторовнинг хабар беришича, танловнинг вилоят босқичида кураш анча муросасиз кечган. Лойиҳа тақдими шартда қарманалик иштирокчи Севара Аслонова тақдим қилган кексалар учун махсус санаторий ташкил этиш лойиҳаси долзарблиги билан ҳакамлар, иштирокчилар эътиборини тортиди. Маълумки, вилоятнинг Хатирчи тумани ўзининг бебаҳо табияти эга. Айниқса, унинг бағридан отилиб чиқаётган иссиқ сув оёқ, бўғим касалликларига даво. Бу ерда кексалар учун санаторий қуриш ёши улў кишиларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга янги иш ўринлари очилишида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Навбахор туманидан Умиджон Холмуллоевнинг маҳаллада «Оталар чойхонаси» очилди, **Нурота туманидан Дилшода Файзиеваннинг** туристларга қўй терисидан тайёрланадиган маҳсулотларни тақдир этиш бўйича лойиҳаси кўпчиликлари манзур бўлди.

Газетамизнинг Андижон вилоят мухбири Аҳмадилло Солиев бу йил вилоят ёшлари орасида кўрик-танловга қизқиш жуда юқори бўлганини таъкидлади. Иштирокчиларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳа-

ларнинг аниқ масалалари, қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишни кўзланган лойиҳалари алоҳида эътибор қозонди.

— Очиғи, танловни кузатиб, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги, билимидан жуда қувондим, — дейди у. — Масалан, ёшлар танлов давомида кўплаб сиёсий-хукукий адабиётлар, қонунлар ва меъриий-хукукий ҳужжатлар билан яқиндан танишиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан янада чуқурроқ хабардор бўлишганини исботлашди. Ана шундай фаол ва ташаббускор ёшларимиздан бири бўлган «Истиқбол» ёшлар қаноти **Асака туман бўлими етакчиси Жасур Солиев** кўрик-танловнинг Андижон вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди ва республика босқичига йўлланма олди.

Кўрик-танлов **Тошкент вилоятида** ҳам кўтаринки руҳда, қизгин ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

— Анъанавий ўтказиб келинаётган танловда қатнашмиш истагини билдирётган йигит-қизларнинг кўпайиб бораётгани партияимизнинг ғоялари, амалий ишлари ва ташаббусларига қизиқувчи ёшлар сафи кенгаётганининг яна бир тасдиғидир, — дейди **Истиқбол ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими етакчиси Илмижаҳон Тлеубергенова**. — Бу йилги танловда ҳам БПТ, шаҳар ва туман босқичларида 600 дан ортиқ ёш «Мен Ватаним

Танлов шартларининг йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани ёшларни ўқиб-ўрганиш ва сиёсий жараёнлардан хабардорлигини оширишга ундамоқда, иштирокчиларнинг ўз фикрига эга бўлиш, сиёсий позициясини ҳимоя қила олиш, ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

равнақига ҳисса қўишни хоҳлайман» ғояси остида ўз билимларини синовдан ўтказишди. Улар орасида Зулфия номидаги давлат мукофоти, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиблари, нуфузли танловлар совриндорлари борлиги қувонarli. Танлов давомида 100 нафардан ортиқ йигит-қиз партияимиз сафига қабул қилинганни алоҳида таъкидлашни истардим.

— Сиёсат нима, сиёсатчи ким, унинг фаолияти қандай мезонлар билан ўлчанади, бурчи, жамиятда тутган ўрни нималардан иборат? Мен кўрик-танловда иштироким давомида ана шу саволларга янада

батафсил жавоб олдим, — дейди **Пскент туман босқичи ғолиби Ваҳобжон Ўразматов**. — Танлов шартларига тайёргарлик кўриш, унда қатнашмиш жараёнида ўзимни худди депутат, партия етакчисидек ҳис қилдим. Шунинг билан етдимки, интилишдан тўхтамасам, келажакда яхши сиёсатчи бўлиб етишимим мумкин экан.

Кўрик-танловнинг **Сирдарё вилоят босқичи** қандай ўтказилгани билан қизиқиб, **вилоят мухбири-миз Уктам Абдуллаев билан боғландик**.

— Айтиш жоизки, танлов бугун ёшларнинг юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар мазмун-моҳиятини яхши идрок этаётганини кўрсатди, — дейди у. — Очиғи, партияимиз ёш аъзоларининг сиёсий-хукукий билими, маҳорати, интилувчанлиги мени лол қолдирди. ЎзХДПда ана шундай фаол йигит-қизлар сафи кенгаётган экан, партияимиз таянчи келажакда мустаҳкам бўлиб бораверади.

— Танловда иштирок этган ёш сиёсатчилардан кўнглим тўлди, — дейди **Гулистон Давлат университетининг ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Ўғилӣ Эрбўтаева**. — Эзгу мақсадлар билан изланиб, ўқиб ўрганаётганликларни кўриниб турибди. Бу уларнинг лойиҳаларида ҳам ўз ифодасини топан. Энг муҳими, ҳар бир лойиҳада иқтисодий фойда олиш билан бирга, иш ўринлари яратиш, жамоанинг моддий манфаатдорлигини ошириш каби партияимизнинг дастурий мақсадларига мос ижтимоий муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, **Бойвўт агро-саноат касб-хунар коллежининг тарих ўқитувчиси Фаррух Отабоев** паррандачилик корхонасини ташкил қилиб, 30-35 кишини муҳим иш билан таъминлашни режалаштирган бўлса, **Гулистон туман Дехқонobod касб-хунар коллежи талабаси, Суман Раззокова** маҳалларда қошида тадбиркорлик марказларини ташкил қилиб, юзлаб иш ўринлари яратишни ният қилибди. Партияимиз мақсад-ғояларини амалга оширишга бел боғлаган мана шундай ёшларнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак, албатта.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

■ ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши нуроний отахону онахонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга иззат-қиром кўрсатиш мақсадида «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси доирасида учрашув, давра суҳбатлари ўтказмоқда. **Жорий йилнинг бошидан буён ушбу тадбирларда вилоятдаги 5 минг нафардан ортиқ ёлғиз кекса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари қамраб олинди. 30 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларида, 150 нафар меҳнат фахрийсига вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилиши учун тавсиялар берилди.**

Нуронийларга алоҳида эътибор кўрсатилмоқда

— Мазкур лойиҳа «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини жойларда аҳолига кенгроқ тушунтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Ўзоев**. — Бундан ташқари, партияимиз Сайловолди дастурида кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича депутатлик назоратини ўрнатиш ёлғиз кексалар, пенсионерларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар билан ижобий ҳал этишда қўл келмоқда. Мазкур масалалар юзасида маҳаллий давлат органилари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ҳисоботлари эшитилмоқда. Шу мақсадда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари асосида ишлаб чиқилган таклифлар Олий Маҳлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига юборилмоқда.

Яқинда Бекобод туманидаги «Хос» қишлоқ врачлик пунктида Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмаси билан ҳамкорликда тадбир ташкил этилди. Унда Олий Маҳлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партия вилоят кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Бугунги кунда Тошкент вилоятида 266 минг нафардан ортиқ 60 ёшдан ошганлар, 144 минг нафарга яқин 80 ёшдан 90 ёшгача бўлган нуронийлар истиқомат қилади, — деди **Тошкент вилоят «Нуроний» жамгармаси раиси Нурмуҳаммад Абдуллаев**. — Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаб, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятда яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари рўйхати шакллантирилди. Санаторийларда кекса авлод вакиллари нивабатсиз қабул қилиш, тиббий қўриқдан ўтказиш, ташхис қўйишнинг янги тартиби жорий этилган. Бундай сиҳаттохларда тажрибали шифокор ва ҳамширалардан иборат ишчи гуруҳлар фаолият олиб бормоқда. Соғломлаштирилаётган фахрийларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун миллий қадриятларимизга мос маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётди.

— «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида жорий йилда амалга оширилаётган хайрли ишлар белгилан берилган, — деди **Олий Маҳлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев**. — Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қўлимни кенгайтириш, ёши улў инсонлар, айниқса, уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган. Биз ҳам бу ишларда фаол иштирок этишимиз, кексалар турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган ҳаётий ташаббуслар, амалий ишлар самарадорлигини оширишга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим.

— Кексаларимизнинг соғлиғини тиклаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш асосий вазифамиз, — деди «Хос» қишлоқ врачлик пункти мудири, халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашидаги **ЎзХДП гуруҳи аъзоси Минавар Абдукаримова**. — Маҳалламизда 3511 нафар аҳоли, 804 оила истиқомат қилади. 60 ёшдан ошганлар 227 нафарни ташкил қилади. Уларни тиббий қўриқдан ўтказиш, саломатликларини тиклашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Яқинда кексаларимиз чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди. Текширувлар натижасида 10 нафар кексамиз республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларида, 5 нафарига вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида тиббий ёрдам кўрсатилиши учун тавсиялар берилди. Буларнинг барчаси юртимизда ёши улў отахон ва онахонларнинг ҳаётдан рози бўлишлари учун уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ифодасидир.

Тадбир давомида Олий Маҳлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар иштирокида кўча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди.

Меҳрож ДАРХОНОВ,
Жўрабек ТўРАХОНОВ.

ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЧУҚУР ЎРГАНИЛИШИ КЕРАК

Қаҳрамон Мирзаев,
Олий Маҳлиси Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мен 74-Денов сайлов округидан депутат этиб сайланганман. Яқинда Денов ва Олтинсой туманларида сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда жойларда аҳолини ўйлантириб келлаётган муаммолар борлиги ойдинлашди. Масалан, айрим фуқароларни коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш соҳасидаги баъзи масалалар қийнамоқда.

Шунингдек, хизма кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда ҳали ҳамон сунъий тўсиқларга дуч келинаётгани аниқланди. Шу билан бир қаторда, тоғ ва тоғолди ҳудудларида истиқомат қилаётган кишиларни ҳам айрим муаммолар ўйлантириб келмоқда. Демак, биз аҳоли қачон қабулхонага келиб мурожаат қилса, муаммосини ҳал этиш чораларини кўраимиз, деб кўчиб ўтирмаслигимиз керак. Кўча жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини қучайтириш, чекка ва олис қишлоқларда яшовчи фуқаролар ҳолидан хабар олиб, улар билан елкама-елка туришимиз керак, деб ўйлайман.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Райхона Раҳимова,
Шўрчи Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори,
вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Жамоатчилик қабулхоналари ишини янада жонлантириш учун, аввало, одамлар орасига кириб бориш лозим. Биз мурожаатда акс эт-

Алишер Маматмуродов,
ЎзХДП Жарқўрган туман кенгаши раиси:

— Бугун ҳар бир сиёсий партия ўз электоратини ўйлантираётган муаммага ечим топиш билангина обрў-эътибор қозонади. ЎзХДП Жарқўрган туман кенгашида депутатлар, фаоллар ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилганлиги учун бу борада муайян муваффақиятларга эришилмоқда.

Туманда 180 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 51 бошланғич партия ташкилотимиз бор. Туман Кенгашида ЎзХДПдан сайланган 16, вилоят Кенгашида эса

ган ҳар бир масаланинг илдиригача етиб боришимиз керак. Ҳўш, шу муаммо қардан келиб чиқди, кимнинг эътиборсизлиги оқибатида бундай

тан ҳар бир масаланинг илдиригача етиб боришимиз керак. Ҳўш, шу муаммо қардан келиб чиқди, кимнинг эътиборсизлиги оқибатида бундай

2 нафар депутат иш олиб бормоқда. Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда уларнинг қуч ва салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаймиз.

Жамоатчилик қабулхонаси ҳақиқий маънода одамлар ишончини қозонаётган масканга айланмоқда. Ҳар бир мурожаатни апрофила ўрганиб, ўз вақтида ҳал этишга ҳаракат қилаймиз. Жорий йилнинг ўтган беш ойида 34 мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 80 фоизи ижобий ҳал бўлди. 15 дан ортиқ

бўлди? Ана шу каби саволларга жавоб излаш лозим. Чунки бугун бир одамни ўйлантираётган муаммо, эртага бошқа кишини ҳам таъшишга солиши мумкин. Биз ҳар қандай масалани ўқир нигоҳ, зийраклик билан бартараф этишга ҳаракат қилишимиз шарт.

депутатлик сўровининг асосий қисми ечим топи.

Яқинда туман марказидан 15-20 километр олисда жойлашган Дам, Қорақўроқ, Оққўроқ, Қораёғоч қишлоқларида учрашув, йиғилиш ва очик мулоқотлар ўтказдик. Кўча Жамоатчилик қабулхонасига касаначиликни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, янги иш жойлари ташкил қилишга оид 30 дан ортиқ мурожаат ўрганилиб, асосий қисми жойида ҳал этилди. Демак, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини қучайтириш жойлардаги қўллаб муаммолар ечимида муҳим ўрин тутди.

чоп этиш қувватига эга цех фойдаланишга топширилди. Жаҳон талаб-ларига тўлиқ жавоб берадиган «ROTOSTAR-16» русумдаги тизимнинг умумий қиймати 273 минг доллар бўлиб, матбуот нашрларини 4 хил рангда чоп этиш имконияти юзасига келди. Ўн нафар одам иш билан таъминланди. Масалани ижобий ҳал қилишда амалий ёрдам берган ЎзХДП Денов туман кенгаши фаоллари, депутатлардан миннатдорман...

Фаррух Абжалов,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бўлими мудири, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси:

— Жамоатчилик қабулхоналари сайловчилар ишончини мустаҳкамлаш, хайрихоҳларимиз сонини қўпайтиришда тажрибада синалган механизмдир. Лекин айрим туманларда партия кенгашиларидаги фаолларимиз, депутатлар бунинг аҳамиятини тўғри тушуниб етмапти. Масалан, ЎзХДП Шеробод, Қизилқум, Музаббот ва Бойсун туманлари кенгашларида мурожаатлар билан ишлашда камчиликлар учраб турибди. Аҳолини қабул қилиш аниқ тартиб асосида йўлга қўйилмаган. Кўча жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилишда ҳам мазкур ҳудудларда айрим суст-кашликлар кўзатишмоқда.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини туради. Унда кўтарилган масалани ҳал этиш орқали кимнингдир оғирини енгиб бўлади, айрим ҳолларда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммолар бартараф этилади. Яна шуниси ҳам борки, шаҳар ва қишлоқларнинг бугунги ҳолати, ривожланиш тамойиллари ва фуқаролар эҳтиёжига қараб қонунчилигини янада такомиллаштириш имкони ортади. Шу боли Жамоатчилик қабулхоналари партия ташкилотлари ва электорат ўртасидаги кўприкка айланиши лозим.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



■ АҲОЛИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЯШАЙДИГАН ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ, НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА УЙ-ЖОЙЛАР ВА ИНФРАТУЗИЛМА ТАРМОҚЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДАСТУРЛАРНИНГ ИЖТимоий АҲАМИЯТИНИ КЕНГ ТАРғИБ ЭТИШ, БУ БОРАДА ЖАМОАТЧИЛИК ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ҚУЧАЙТИРИШ УСУВОР ВАЗИФАМИЗДИР.



■ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, АЙНИҚСА, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАСССАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ЎЗ МУТАХАССИСЛИГИГА МУВОФИҚ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ПАРТИЯМИЗНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР.

Ҳозир ҳаяжоним ичимга сиғмаяпти. Фарзандим Адҳамбек Рихсиев саралаш босқичида ҳам мухлислар ва ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Биздай оддий инсонларнинг фарзандлари ҳам шу даражага етиши илгари тушимизга ҳам кирмаганди.

«НИҲОЛ — 2015»

Санъат оламининг янги ифторлари

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон давлат консерваториясида бир неча кун мобайнида ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти танловининг республика саралаш босқичи ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида миллий санъат йўналишида таълим-тарбия олаётган навқирон иқтидор соҳибларини излаб топиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тadbирлар ўз самарасини бермоқда. Ёш истеъдодлар навбатдаги «Ниҳол» мукофоти танловида муваффақиятли иштирок этиб, миллий ва жаҳон мумтоз мусиқа санъати, анъанавий ижрочилик йўналишларида ўз иқтидорларини намойиш қилдилар.

Ўзбекистон давлат консерваториясида тўрт кун давомида ўтказилган «Ниҳол» мукофоти танловида мамлакат босқичида халқ орасидан етишиб чиқаётган, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида ғолибликни қўлга киритган 172 нафар номзод орасидан 17 дан 25 ёшгача бўлган энг иқтидорли ёшлар саралаб олинди.

Мамлакат босқичида ўтказилган бу галги танлов ёшларимизнинг маҳорат даражаси ниҳоятда ўсганлигини кўрсатмоқда, — дейди

«Ниҳол» мукофоти Республика кенгаши аъзоси, Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Дилором Омонуллоева. — Ёш-ёш йигит-қизларимиз опера, миллий ва жаҳон мумтоз мусиқа дурдоналаридан жуда кўп янги асарларни маромига етказиб ижро қилди. Бу — ёшларнинг санъат соҳасида иқиддий ўсиш жараёнида эканидан далolat беради ва биз катта авлод санъаткорлари учун қувонарли ҳолдир.

Саҳнада қумқўрғонлик Адҳамбек Рихсиев қашқар рубобида, халқаро кўрик-танловлар совриндори Сурайё Тиллаҳўжаева жўровозлигида жаҳон мумтоз мусиқаларидан бирини ижро этганида залда қарсақ ва олқишлар янгради.

— Мен Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманиданман, — дейди Аҳмад Тўхтаев. — Ҳозир ҳаяжоним ичимга сиғмаяпти. Фарзандим Адҳамбек Рихсиев саралаш босқичида ҳам мухлислар ва ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди, деб ўйлайман. Биздай оддий инсонларнинг фарзандлари ҳам шу даражага етиши илгари тушимизга ҳам кирма-



ганди. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз раҳбарининг ёшларга кўрсатаётган ғам-хўрлиги туфайли бўляпти.

— Очиғи, танлов кенгаши аъзолари томонидан тўрт кун мобайнида олиб борилган ишларни кўриб, бу нақадар сермашақат жараён эканини ҳис қилдим, — дейди рақс бўйича танлов иштирокчиси, «Эътироф — 2014» танловида «Йилнинг энг яхши рақс ижрочиси» мукофоти совриндори наманганлик Шодиёра Омонова. — Чунки ҳар бир ижро ортида инсон тақдирини турибди. Ҳар бир истеъдод эгаси ҳолисона, муносиб баҳоланди, деб ўйлайман. Устозларим — балетмейстерлар Дилдора Хўжаева, Чарос Жўрабоевалар раҳбарлигида

бу босқичга етиб келиш учун рақс ижросида ҳар бир ҳаракат қайта-қайта ишланди, сайқалланди. Натижа қандай бўлишидан қатъи назар, ўз олдимга қўйган мақсадларим бор. Ўзбекистон маданияти ва санъат институтининг ижтимоий-маданий фаолиятини ташкил этиш йўналиши бўйича магистратурада ўқиб, диплом олдим. Энди докторлик бўйича илмий изланишлар олиб бориш ниятидаман.

— «Ниҳол» мукофоти танловида иштирок этаётган ёшларнинг қанчалик истеъдодга эга эканини ўзингиз кўрдингиз, — дейди танлов кенгаши аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Фидо-корона хизматлари учун»

ордени соҳибаси Нодира Қурбонова. — Илгари мамлакатимизнинг чекка туманларидан танловга қатнашадиганлар кам эди. Бу галги туман, шаҳар ва вилоят босқичларига пойтахтдан бириктирилган тажрибали мутахассислар, санъатшунос олимлар ҳакамлар ҳайъати таркибиде иштирок этиши кўпга янги-янги истеъдодларни кашф этишга ёрдам берди.

— Танлов давомида битта нарсани аниқ ҳис қилдим, — дейди ҳайъат аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков. — Бир неча давралардан ўтиб, мамлакат саралаш босқичига етган ёшлар шунчаки ҳаваскор ёшлар эмас. Улар устоз-санъаткорлар, педагоглар

тарбиясини олгани учун шу даражага етган. Демак, вилоятларда устоз-шоғирд анъанаси яхши йўлга қўйилган, шуниси одамни қувонтиради. Ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор, оддий бир қишлоқда яшаётган истеъдод эгасини топиш, уни халққа танитиш қанчалик машаққатли иш. Лекин кенгаши аъзолари эринмай, жойларга бориб, уларни топпапти, рағбатлантираёпти, санъатини тарғиб қилаёпти. Ёш истеъдодларни саралаш давомида 105 нафар йигит-қизнинг санъати юқори баҳоланди, улар бемалол жаҳон сахналарига чиқиб, ўз санъатини намойиш қилиш даражасида. Бировини бировидан ажратишга кўзинг қиймайди. Ахир Президентимиз боқий қадриятлари улўғ миллатимизни «ижодкор халқ» деб бекорга айтмаганди!

Бухоро санъат коллежида шу йил ўқишни тугатган навоийлик Гулсал Қўзиёва дугорда Хоразм дostonчилиқ усулида «Йил» куйини ижро этганида залдаги мухлислар мусиқа оҳанглари энтикиб тинглади.

Ҳа, танловда ҳар бир йигит-қиз, ҳар бир истеъдоднинг чиқиши янги нафас, санъат оламининг янги ифторларидир. Уларнинг энг саралари эса ҳакамлар ҳайъати томонидан танловнинг Республика кенгаши совриниға тавсия этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИХТИРОЧИ ЁШЛАР

Ўзбекистон Миллий университетининг физика факультети доценти Турғунали Аҳмаджонов ва шоғирди, магистрант Орифжон Фахриддинов елканли шомол двигателини яратди.

ЕЛКАНЛИ ШОМОЛ ДВИГАТЕЛИ

— Янги шомол двигатели шаҳардан ташқаридаги уйлар, фермер хўжалиқларини муқобил электр энергияси билан таъминлашга мўлжалланган, — дейди Турғунали Аҳмаджонов. — Қурилманинг таннари арзон, уни ўрнатиш ёки демонтаж қилиш қўлай ва содда. Электр энергияси ишлаб чиқаришда қувватни эҳтиёжга кўра ўзгартириш имконияти мавжуд. Мухими, у экологик тоза бўлиб, электр станциялари бўлмаган жойларга ўрнатилган насослар учун керакли қувватни етказиб бера олади. Шунингдек, уяли алоқа станциялари ва антенналарни электр қуввати билан тўлиқ таъминлайди.

— Яқинда бўлиб ўтган Республика VIII Иновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ана шу гоя билан иштирок этган эдик, — дейди Орифжон Фахриддинов. — Бундан жуда хурсандман. Магистрлик диссертациям мавзуси оптик нур толали алоқа тизими билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда фан ва техниканинг кўпга соҳаларини оптик алоқа тизими ҳамда оптик бошқарув қурилмалари кенг қамраб олмакда. Мен ҳам ўзимнинг илмий изланишларим билан юртимизда ушбу соҳа ривожига ҳисса қўишни ният қилганман.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

Ҳурматли юртдошлар!



«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки

Сизларга маблағингизни кўпайтириш учун қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

«Қалдирғоч»

Саклаш муддати: 1, 3, 5 ва 6 ой.

Банкдаги мавжуд муддатли омонатларни қайта расмийлаштириш орқали омонатга пул маблағлари қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин.

«Оила»

Саклаш муддати: 15 кун, 1 ва 2 ой

Фоизлар бўйича даромадни ҳар ойда олиш ва омонатга қўшимча маблағ кириш қилиш мумкин.

«Обод турмуш»

Саклаш муддати: 3, 6 ва 9 ой.

Фоизлар бўйича даромадни ҳар ойда олиш мумкин.

Хорижий валютада:

«Капитал люкс»

Саклаш муддати: 1 ойдан 6 ойгача, 6 ойдан 12 ойгача, 12 ойдан юқори. Фоизлар бўйича даромадни ҳар ойда олиш мумкин.

Сизнинг омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Сизнинг омонатларингиз:

- ❖ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилинган;
- ❖ маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ❖ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда.

«Ипотека-банк» — имконият яратамиз

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 150-89-17, (0-371) 150-89-57, (0-371) 150-89-58,
www.ipotekabank.uz Хизматлар лицензияланган.

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»



Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.

Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;

(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38

www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
11156
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20,40
Topshirilgan vaqti — 21,50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7133



1 2 3 5 6

